



ДИСКУРСЛАРДА «МИҚДОР» КОНЦЕПТИНИНГ ЎЗИГА ХОС МОДЕЛЛАШТИРИЛИШИ

Юсупжанова Феруза Курбановна,
*Гуманитар йўналишлар бўйича чет
тиллари кафедраси катта ўқитувчиси*

Инамова Шахлохон Қобулжон қизи
Фарғона давлат университети магистранти.

Аср бошида ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусиятлари ўрганилди. Хусусан, сон-миқдор маъносини ифодаловчи морфологик, луғавий, синтактик, фонетик ва нолисоний воситаларни биргаликда ўрганиш ҳаракати амалга оширилди. Бироқ, ўзбек тилшунослигида тил субъектининг хусусиятлари, ассоциатив тафаккури, миллий тафаккури кабиларнинг тилда акс этиши, хусусан, «миқдор» концептининг ўзбек тилида воқеланиши масаласи етарлича тадқиқ қилинган эмас.

Тилда (онгда) барча нарсалар учун ўлчов шахсининг ўзидир. Шу жиҳатдан миқдор ҳақидаги тушунчаларда ҳам бу акс этади.

Ўзбек тилида грамматик сон ҳақида гапирганда, бирлик ва кўплик фарқланади. Аммо ўзбекча менталитетда паукал миқдор ҳам фарқланади. Бу миқдор иккидан еттигачадир. Ўзбек тили грамматикасида паукал миқдорнинг «из»лари мавжуд бўлиб, бу иккидан еттигача -ов, -ала кўшимчаларининг кўшилиб, жамловчи сонларнинг ҳосил қилинишидир. Академик А.Кононовнинг кўрсатишича, юқоридаги кўшимчалар фақат иккидан еттигача бўлган сонларга кўшилади⁵². Рус тилида ҳам ўзбек тили каби бирлик ва кўплик грамматик сони фарқланади. Аммо ушбу тил грамматикасида ҳам юқорида тилга олинган паукал миқдор «из»ларини топиш мумкин.

Эътибор беринг: *однажды, дважды, трижды, четырежды; один стул, два стула, три стула, четыре стула.*

Келтирилган мисолларнинг биринчи тўплами ҳам, иккинчи тўплами ҳам тўртга келиб тўхтади. Такрорланишни ифодалаш бирдан тўртгача қўлланилган «-жды» кўшимчасини бешга қўллаб, *пятьжды*деб бўлмайди. Худди шунингдек, иккинчи тўплам мисолларида ҳам тўртдан кейин бошқа грамматик шаклни танлаш лозим бўлиб, *пять стула*деб бўлмайди. Инглиз тили учун ҳам бирлик ва кўплик грамматик сони хос бўлиб, бирдан ортиқ бўлган саналувчи миқдорнинг барчаси от ва феъл категорияларида кўплик грамматик кўшимчасини олади, лекин, паукалликнинг грамматик кўрсаткичлари мавжуд эмас. Инглиз тилида жамловчи сон масаласида яна бир бор аниқ артиклга мурожаат қилишга тўғри келади: унинг миқдор сон билан қўлланилиши жамловчи сон семантикасига ишора беради, ва, икки сонидан ўнгача бўлган

⁵² Кононов А. Грамматика узбекского языка. – Т.: Госиздат УзССР, 1948. – С. 121-122.





миқдор кўрсаткичлари учун характерли хусусият ҳисобланади. Шунингдек, жамловчи соннинг лексик идентификаторлари ҳам мавжуд бўлиб, қуйидаги сўзларни мисол қилиш мумкин⁵³: pair, couple, dozen.

«Миқдор» концептининг аниқланган структурасига мувофиқ аниқ миқдорнинг акс этиши ва ноль маъносимиқдор йўқлигини акс эттиради. Масалан, *Бироқ буларнинг бирортаси ҳам ҳақиқатга яқин эмас. Унинг "Реал"га ўтиш имконияти нолга тенг деб баҳолайман...*⁵⁴

Ҳозирги ўзбек матбуотида, айниқса, интернет оламида «нолдан бошламоқ» фразеологизми фаол қўлланишда бўлиб, бу рус тилидан калька йўли билан ўзлашган иборадир (начать с нуля). Ушбу ҳолатда «ноль» лексемаси «тўлиқ янгидан, бошқатдан, йўқдан» маъноларида қўлланилади: *Бошланғич сармоя ўз ишини очиш учун зарур шарт эмас, интернетда ҳаётга нолдан бошлаб татбиқ этилган каттаю кичик лойиҳалар кўп.* (И.Б.Собирова, Н.Б.Шамсиева. Бойлик сари бир қадам).

I. АНИҚ МИҚДОР

A) Сингулярлик маъноси қуйидагилар орқали ифодаланади:

- «Бир» сони: *Сиз билан тортишмоқчи эмасман, фақат битта мисол келтирмоқчиман* (Н.Эшонқул).

- *Якка, ёлғиз, танҳо, яккахон, сўққабош, илқ, аввалги* сифатлари: *ёлғиз сен ўзинг, ёлғиз мен қолдим ва ҳ.к.*

Мен, сен, у, ўзим, ўзинг кўрсатиш олмошининг туб ва қўшма шакли, гумон олмошининг туб шакли:

- *Ҳар кимнинг ўз бахт дарахти бўлади* (Т.Малик).

Камина олмоши: *Камина ҳам сизнинг шахсиятингизга дахл қилишдан йироқман* (Ж.Жўраев).

Бирлик шаклидаги якка отлар: *Кўлингизга қоғоз ва қалам олинг* (Сўзл.) ва бош.

Ўзбек ва инглиз тилларида сингулярлик маъносининг юзага келиши аниқ тус олиши мумкин. Ушбу тилларда «бир» – «one» шахс, жараён ёки объектни конкретлаштириш, уни ажратиб кўрсатиш учун қўлланилиб, ҳар бир, ҳар ким, ҳар қандай, ҳар қайсини ифодалаш учун қўлланилади:

- *One to watch: Scarypoolparty*⁵⁵//*Вужудимни шилимшиқ, жиркканч нарса ўрнига бир... йўқотиб қўйган одамдай чолнинг суратларидан қолган ваҳима эслатади* (Н.Эшонқул).


Б) Нумеративлик

Юқорида таъкидланганидек, аниқ миқдор ўз ичига сингулярлик ва нумеративликни олади. Барча миқдор ва тартиб сонлар нумеративликни акс эттиради. Объектларнинг аниқ миқдорини номлайдиган сонлар миқдори

⁵³ Ungureanu A. M. Types of Numerals in English and Romanian //European landmarks of identity, 2015. – 67-72 p.

⁵⁴ <https://championat.asia/ru/news/ronaldo-neymar-nig-realga-otish-imkoniyati-nolga-teng>

⁵⁵ One to watch: Scarypoolparty// The Guardian. – 7. 12. 2019. Электрон ресурс. <https://www.theguardian.com/music/2019/dec/07/scarypoolparty-one-to-watch-alejandro-aranda>





чексиздир, бироқ тилшуносликда анъана бўйича жамият онгида илк пайдо бўлган, миллий онгнинг архетипларига айланиб улгурган, сонли маъно чегарасидан анча узоқлашган, ўзига қўшимча маъноларни юклаган биринчи ўнликнинг – 1 дан 10 гача тадқиқ остига олинади. Улар қаторидан ўрин олган «бир» сони ҳақида юқорида сўз юритилди. Ўнликнинг бошқа аъзоларига ҳам қисқа тўхталамиз.

Тадқиқотнинг назарий қисмида аниқланганидек, «икки» – «два» сонининг пайдо бўлиши билан унинг математик маъноси шаклланди. Ҳозирда у қуйидаги маъноларга эга (ЎТИЛ):

- 1) 2 рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган сон, миқдор;
- 2) Беш балли баҳо тизимида қониқарсиз, ёмон баҳо;
- 3) Гап орасида ҳадеб, тез-тез: *Икки гапнинг бирида*.

Унинг кўрсатилган иккинчи – «баҳо» маъноси собиқ иттифоқ мамлакатлари реалиялари билан боғлиқ, шуни ҳам назарга олиш керакки, турли мамлакатларда баҳолаш тизими ўзгача бўлиб, юқорида айтилганлар бошқа тилларда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Дискурсда икки сонининг қўлланилишига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

-Бу икки мусича узоқ йиллар бир-бирига далда бўлиб, тақдир юкларини бирга қўтариб, андуҳларга бирга дош бериб, бирга енгиб, умр сўқмоқларидан елкама-елка суяниб ўтишди (Н.Эшонқул);

-Дарахтларни ноқонуний кесганлик учун жарималар миқдори икки бараварга оширилди (<https://kun.uz/79624415>).

«**Биринчи**» мисолда аниқ миқдор акс этган бўлса, кейинги мисолда икки сонининг қўлланиши ноаниқ миқдорга ишора қилади.

Умуман, сонларга мурожаат қилиш муаллифнинг ўзи учун у ёки бу объектлар муҳимлигини эътироф этишнинг хусусий табиатини ифодалайди. Шундай қилиб, сонлар баҳолаш вазифасини ҳам амалга оширади.

«**Иккинчи**» тартиб сони, одатда, биринчидан кейин келувчи объектни номлаш учун қўлланилади: *иккинчи қатор; иккинчи жилдқаби*.

Жувон... узоқ адирнинг этагида қорайиб турган қишлоқни кўрсатди: – ИккинчиМТС ҳу ўша ерда (А.Қаҳҳор).

Маълумки, тартиб сонлар инглиз тилида асосан «**the**» аниқ артикли билан қўлланилади. Уларнинг ноаниқ артикль билан қўлланилишида гапнинг коммуникатив мақсади ўзгариб, артикль бажарадиган прагмасемантик вазифа янги поғонага чиқади: тартиб соннинг аниқ чегараланган кўрсаткичини эмас, балки занжир қаби давом этувчи кетма-кетликни ифодалайди. Ўзбек тилига, қайси сон қўлланилаётган референт-вазиятга мувофиқ «яна бир, иккинчи бир, учинчи бир» ва ҳ.к қабилида таржима қилиниши мумкин.

Луғатларда «**уч**» сонининг тузилишида математик маънолар билан бирга «қониқарли баҳо» ҳамда киши дафн қилингандан кейин учинчи куни бўладиган биринчи диний маросим маънолари берилган. Шунингдек, ушбу сон -ов, -овлон





каби қўшимчаларни олиб, паукал миқдорни ифодалайди. Ушбу сон ёрдамида «миқдор» концептининг ифодаланишига қўйидаги мисолларни келтириш мумкин:

-Баҳорнинг бошларида ҳордиқ ойдан қайтиб келиб, уйга киришим билан уй бекаси кўзида ёш билан қарши олди ва уч кун бурун чолнинг қазо қилганини айтди (Н.Эшонқул);

-Собиржон овчилар инъом қилган икки қуён ва уч ўрдакдан бир қуён ва икки ўрдакни Асқар отага берди (А.Қаҳҳор).

-Учови доим бирга юради (Сўзл.).

Ушбу гапларда муаллифлар вақт ва предметни аниқифодаланган. Бошқача қилиб айтганда, сонлар ҳодисалар ҳақида хабар бериш, қачон? қанча? саволларига жавоб беришга имкон беради.

Қўйидагилар «тўрт» сонининг қўлланилишига мисол бўлиши мумкин:

1) аниқ миқдор: Етти кишибўлиб *тўрт қути олдик* (А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари).

2) паукал миқдор: *Тўртову ўрданинг томига чиқиб, олтин текширувчининг ишорати билан томни тешибдилар.*(Эралихон ва уч ўғри).

3) Ноаниқ миқдор: *Бир пайтлар у ерда тўрттача ташкилот бўлган бўлса, бугунги кунда мулкларни, ерларни бўлиб сотиш йўли билан 15–16 тагача кўпайган*(<https://kun.uz/86914698?q=%2F86914698>).

Ноаниқ миқдорни ифодалашда уч сони билан биргаликда қўлланилади:

Ўзни доно билган уч-тўртта нодон

Эшак табиатин қилур намоён (У.Ҳайём)

4) тартиб: *тўртинчи учрашув.*

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар негизида қўйидагича хулосаларга келиш мумкин, миқдорнинг ноль квантификатори ўзининг дастлабки, илк, математик маъносида, миқдорнинг мавжуд эмаслигини ифодалаш, номларида ноль иштирок этган объектларни номлаш учун қўлланиши мумкин. Ноль тушунчаси ҳозирда техника, сиёсат ва бошқа соҳаларнинг у ёки бу реалиялар тушунчаларини ифодаловчи, бирликлар, атамалар сирасига киради. Ўзбек тилида «ноль» данфразеологизмларнинг шаклланиш жараёнида фойдаланилмайди.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кононов А. Грамматика узбекского языка. – Т.: Госиздат УзССР, 1948. – С. 121-122.
2. Ungureanu A. M. Types of Numerals in English and Romanian //European landmarks of identity, 2015. – 67-72 p.
3. <https://championat.asia/ru/news/ronaldo-neymarining-realga-otish-imkoniyati-nolga-teng>.
4. One to watch: Scarypoolparty// The Guardian. – 7. 12. 2019. Электрон ресурс. <https://www.theguardian.com/music/2019/dec/07/scarypoolparty-one-to-watch-alejandro-aranda>

